



FARG'ONA VILOYATI FARG'ONA TUMANI HOKIMINING QARORI

2021 - yil 12 - noyabr

119-11-163-Q/21

Farg'ona tumani hokimligi

Фарғона тумани ҳокимлигини ташкилий тузилмаси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарларини лавозимларга тайинланиши ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 171-сон қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 28 октябрь кунги 05-1-3138-сонли топшириқ хати ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 22-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарларини лавозимларга тайинланиши ва уларнинг фаолиятини тартибга

солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 171-сон қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 28 октябрь кунги 05-1-3138-сонли топшириқ хати раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (И.Гафуров)га:

- туман ҳокимлиги бошқарув аппарати тузилмаларида штат birlikларининг чекланган сони доирасида ижро интизоми бўйича бош мутахассис лавозими жорий этиш;

- туман ҳокимлиги бошқарув аппарати тузилмалари Ташкилий-назорат гуруҳини Ташкилий-кадрлар гуруҳига ўзгартириш вазифалари юклатилсин.

3. Туман ҳокимлигининг Ижро интизоми бўйича бош мутахассиси зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

- қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни ҳисобга олиш ва уларнинг рўйхатини шакллантириш, уларда аниқ ижрочи, муддат ва бажариш механизмлари кўрсатилган топшириқлар тайёрланишини ҳамда ижрочиларга етказилишини назоратга олиш;

- қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлари бўйича амалга ошириш графикларининг (назорат режалари) тайёрланиши, тасдиқланиши ва ижрога қаратилишини назорат қилиш;

- қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларининг ўз вақтида бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этиш ҳамда чуқур таҳлиллар асосида мониторингини олиб бориш;

-“Ijro.gov.uz” ижро интизомини идоралараро ягона электрон тизими орқали келиб тушган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросининг тизимли назоратини амалга ошириш;

- маҳаллаий ҳокимлик тизимида аҳоли муурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқилишини ва қаноатлантирилишини мувофиқлаштириб бориш;

- қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларининг бажарилиши ҳолати ҳар ой якунида муҳокама қилинишини ҳамда масъул раҳбарлар ва ходимларнинг ҳисоботлари эшитилишини ташкил этиш;

-қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси амалда назорат қилинишини шахсан ташкил этиш, ўз вақтида ҳисобот берилишига алоҳида эътибор қаратиш;

- қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ўз вақтида, тўлиқ ва натижали ижро этилишини шахсан танқидий таҳлил қилинишини таъминлаш, олдинга қўйилган вазифаларни амалга ошириш ва мўлжалланган мақсадларга эришиш.

4. Фарғона тумани ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари Ш.Шониёзовга:

- янги ташкил этилган лавозимга муносиб номзодни тавсия этсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиши ўз зиммамда қолдираман.

Tuman hokimi



Ш.Муминов